



# XASR



ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 «Учинчи сектор» учун қўшимча КАФОЛАТЛАР

05 Танқиддан ТЕГИШЛИ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИ

07 Олтин ДАВР



2014 йил 24 апрель, пайшанба, 16 (544)-сон

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

► **КОНЦЕПЦИЯ — АМАЛДА**

**Ижтимоий шериклик ўзаро манфаатлар асосидир**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси давлат органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилгани билан ҳам учинчи сектор вакиллари томонидан қўллаб-қувватлашнинг маълумки, Бош қомусимизда аҳолининг барча қатламлари манфаатини тенг ифода этиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига доир асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилгани натижасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ННТлар сони 7,5 мингдан ошди. Ўз навбатида, учинчи сектор, дея номланаётган ушбу тузилмаларнинг давлат идоралари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ортиб бораётганини ҳам таъкидлаш жоиз.



Соллик ЗОМР олган суратлар



3 ►►

► **«Тўртинчи ҲОКИМИЯТ»**



**«Ўзбекистон матбуоти» ўзгарди ва ўзгаряпти**

«Ўзбекистон матбуоти» журнаlining 2014 йилдаги 2-сонини ўқувчилар қўлига етиб борди. Тан олиш жоиз: бундан икки йилча аввал ушбу нашр билан танишган ўқувчида «бўзчи белбоққа ёлчимабди-да», деган таассурот уйғонар, сифатсиз қоғозда босилган, дизайн замон талабларига умуман жавоб бермайдиган журнал асосан матбуотимиз, журналист ҳамда матбаачилар фаолиятига бағишланганига ишонин қийин эди. Шу маънода 2013 йилнинг январидан қайта рўйхатдан ўтказилган нашр қисқа давр ичида янги муассис — Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мутасаддилари ташаббуси билан бутунлай янгича қиёфада чиқа бошлади. Ҳажми ва дизайни тубдан ўзгартирилган журнал бугун соҳа ходимлари эътиборини тортаётгани ҳам шундан.

3 ►►

## Инвестиция иқлими ва бизнес муҳити янада яхшиланади

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган партиявий вазифалар О'zLiDeP ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган «Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш — иқтисодий ТАҚВОБАТБАРДОШЛИгини ошириш ва ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини таъминлашнинг АСОСИ» МАВЗУИДАГИ СЕМИНАРДА АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

2 ►►

## Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олди

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навабдаги Индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ йиллик МАЪРУЗАСИДА ШУ ҲАҚДА МАЪЛУМ ҚИЛИНГАН

Маърузада таъкидланишича, ҳуқуқ устуворлиги жамиятнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди, дунёнинг барча мамлакатлари ҳуқуқларининг маъсулятига кўриб чиққан, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини, мустақил ва холис судларнинг мавжудлигини, ҳуқуқ-тартибот органлари нечоғли

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин Сингапурга берилган. Учунчи ўринни Ўзбекистон, Дания ва Гонконг эгаллаган.

чайтиришга қўмақлашди ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни оширади. Мазкур Индекс илк мартаба 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ва эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноёб тадқиқотдир. Давлатларга баҳо беришда «Тартиб ва хавфсизлик» йўналишига бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатидagi тартиб ва хавфсизлик

самарали фаолият юритишини ва бошқа омилларни тадқиқ қилган. Давлатларнинг ютуқлари, аввало, жиноятчиликка қарши курашиш, сиёсий зўравонлик, шу жумладан, терроризм, кулолли тўқнашулар ва сиёсий тартибсизликлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ва жинсий оидил судлов тизимига нисбатан ишончнинг йўқотилиши оқибатида юзага келадиган зўравонликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш бўйича асосий тамойилга риоя қилинишининг самарадорлигига кўра баҳоланган.

2 ►►

► **ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА**

## Битирувчилар бандлиги депутатлар назоратида

Халқ депутатлари Наманган вилоят ва туман кенгашларининг қўшма сессиясида О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматжон Ғуломовнинг ҳисоботи эшитилди



Маълумки, О'zLiDePнинг Сайловолди платформасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий, ижодий ва маънавият талабларидан ўзгаришларини ўқинишлари учун кенг имкониятлар яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Зеро, навқирон авлод

вакиллари салоҳиятини юксалтириш келажакка сармоя киритиш билан баробардир. Намангандаги депутатлар ташаббуси ана шу жиҳати билан ҳам ахамиятлидир. — Мазкур масалани сессияга олиб чиқиш, энг муҳими, муҳокама қилишда амалий самаралар эриштириш учун жиддий тайёргарлик кўриш, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Абдуғофур Ҳуснов. — Аввало, ишчи гуруҳи тузилиб, унинг аъзолари битирувчиларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ҳолатини чуқур ўрганиш керак. Жамланган маълумотлар мутасаддилар иштирокида депутатлик гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди ва ушбу масалани кўпма сессияга киритишга қарор қилинди.

3 ►►

► **«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»**

## Истиқболли режалардан — амалий натижалар сари

О'zLiDeP «Аёллар қаноти» ва ҳудудий бўлинмаларининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган кенгайтирилган йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, республика Марказий банки вакиллари, шунингдек, тадбиркор ва фермер хотин-қизлар иштирок этган тадбирда жорий йилнинг I чорагида «Аёллар қаноти» томонидан 120 дан зиёд турли тадбир ўтказилгани, уларда асосий эътибор Президентимизнинг Бош қомусимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантананадаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, муҳим вазифалар ижросига қаратилгани қайд этилди.

4 ►►

► **АВТОМОБИЛЬСОЗЛИК**

## «GM Uzbekistan» 53 мингга яқин «тулпор» чиқарди

2014 йилнинг I чорагида «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида 52 минг 782 дона автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 фоизга кўпдир.

8 ►►

**БУГУНГИ СОНДА:**

2014 йилнинг 2 майида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навабдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва фермерларнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қиларди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 22 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари кризис, шунингдек, божхона ва бошқа маъмурий тўловлари учун қорғий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.\*

1 Австралия доллари	2122.55	1 Миср фунти	325.63	1 Польша злотисини	752.19	10 Жанубий Корея вонини	21.94
1 Англия фунт стерлинги	3823.09	1 Исландия кронаси	20.32	1 СДР	3525.45	10 Япония йенаси	221.96
1 Дания кронаси	421.16	1 Канада доллари	2065.13	1 Туркия лираси	1071.20	1 Россия рубли	64.05
1 БАА дирхами	619.74	1 Хитой юани	365.68	1 Швейцария франки	2577.50	1 Украина гривнаси	202.74
1 АҚШ доллари	2276.19	1 Малайзия рингити	701.01	1 ЕВРО	3152.75		

# Муносабат

— Давлатимиз раҳбари қарорига асосан тадбиркорлик соҳасида руҳсат беришга оид 16 та ҳужжат қисқартириляпти, — деди тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Уларнинг 5 таси қонун ва кодексларга ўзгартиш киритиш орқали, 8 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан, қолганлари эса вазирлик ва идоралар даражасида бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

## Инвестиция иқлими ва бизнес муҳити янада яхшиланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

Семинарда мазкур ҳужжатлар бизнес тузилмалари учун яратиб берилаётган қулайликларнинг навбатдаги босқичи ва соҳада мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечими сифатида баҳоланди.

Тадбирда О'зЛиДеР Спёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Соҳибжон Турдиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилгани натижасида хусусий сектор иқтисодий таъминоти барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш жараёнида фаол иштирок этаётганини таъкидлади.

— Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 55,8 фоизи, ишлаб чиқарилаётган жами sanoat маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, экспортнинг 18 фоизи, иқтисодий тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келтиради, деди С.Турдиев. — Аграр соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида эса 2013 йилда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзига кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоиз, жумладан, деҳқончилик — 6,4, чорвачилик 7,4 фоизга ўсди.

Энг муҳими, фермер хўжалиқлари яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли 23 мингдан зиёд қўн тармоқли хўжалик пайдо бўлди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор ҳамда қулай бизнес муҳитини яратишга хизмат қилган бир қатор фармон ва қарорларнинг амалий натижасидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таътирларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шундай эзгу интилишларнинг мангикий давоми бўлди.

— Мазкур муҳим қарорга асосан 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик соҳасида руҳсат беришга оид 16 та ҳужжат қисқартирилади, — деди тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Уларнинг 5 таси қонун ва кодексларга ўзгартиш киритиш орқали, 8 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан, қолганлари эса вазирлик ва идоралар даражасида бекор қилиниши белгилаб қўйилди. Шунингдек, 11 та лицензияланадиган фаолият тури ва руҳсат бериш характеридagi ҳужжатлар бирлаштирилиши йўли билан 4 тага қайтарилди, яна 21 тасининг кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилади. 5 та ҳолатда улар учун тўланадиган йиғимлар

бекор қилиниб, 6 таси бўйича йиғимлар энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоригача қайтарилди. Яна шуниси диққатга сазоворки, қурилиш, кишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика, телекоммуникациялар, кимматбаҳо қозғалар, божхона соҳаларидаги лицензия ва руҳсат бериш ҳужжатларини олиш

**Юртбошимиз фармонига кўра, 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинмаган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш ман этилди.**

бўйича тақдим этиладиган жами 130 та ҳужжат соддалаштириш ёки умуман бекор қилиш йўли билан қисқартирилмоқда. Бундай ишлар нафақат О'зЛиДеР электорати вакилларининг манфаатлари, балки мамлакат иқтисодий тарраққети, шировада аҳоли турмуш фаровонлигига ҳам хизмат қилишини эътироф этиш лозим.

— Ҳар иккала ҳужжат ижроси доирасида комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши қулай бизнес муҳитини шакллантириш ва мамлакат иқтисодий рақобатбардошлиги ўсишини таъминлайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Полянте Свешников. — Жумладан, янги тартиботга кўра, ўз вақтида солиқ ва бошқа мажбурий солиқларни тўлаётган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувларини ўтказиш бўйича мораторий 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилади. Бу бир томондан мамлакатимиз раҳбариятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор қаратаётганини кўрсатса, бошқа томондан иқтисодий муносабатларни либераллаштиришга оид чора-тадбирлар самардорлигини оширишга хизмат қилади.

— 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес субъектлари статистик ҳисоботларни йилда бир марта тақдим этилади, — деди Иқтисодий вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилшод Абдуазизов. — Бу айнан О'зЛиДеР электорати учун яратилаётган қулайликлар сирасига қиради. Иқтисодий муносабатларни либераллаштиришга оид катъий йўналишни белгилаб берган мазкур фармонга мувофиқ, энди давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамлари бўйича оғир вақтлардаги фақат суднинг тегишли қарори билангина тўхтатиши мумкин.

Тадбирда жойлардаги вақиллик ҳокимият органлари мажлисларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлиги

ҳақида ҳокимлар ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, назорат қилувчи органлар ходимларининг қонунчилик талабларига риоя этиш борасидаги масъулиятини янада оширишга кўмаклашади.

Шу ўринда Юртбошимиз фармонига кўра, 2014 йил-

нинг 1 июнидан бошлаб давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинмаган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш ман этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар эълон қилинмаган кўрсатмаларни бузган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш ман этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар эълон қилинмаган кўрсатмаларни бузган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш ман этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар эълон қилинмаган кўрсатмаларни бузган тақдирда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш ман этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органларининг тадбиркорлар билан муноса-



батлар ўрнатилган воситаси бўлган расмий веб-сайтлар юритилишини назорат қилиш тошпирилгани эса Ўзбекистонда АҚТнинг замонавий ютуқларини амалга ошириш кенг жорий этиш масаласига комплекс ёндашилаётганидан дарак беради. Шунингдек, тадбиркорлар муносабатларини тез ва сифатли қўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасида идораларо махсус ишчи гуруҳ тuzилиши ҳамда унга бизнес вакилларидан Давлат хизматлари ягона портали орқали келиб тушаётган муносабатларни куйи органларга қайта жўнатмасдан қўриб чиқиш вазифаси юклатилгани айнан тадбиркорлар мушқулини осон қилиши, шировада ишчи гуруҳларнинг идораларо бесамар харақатларини барҳам бериши шубҳасиз.

Фармонда белгиланган услувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таътирларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда 2014 йилнинг 1 октябидан бошлаб Интерактив давлат хизматлари порталида «тадбиркорлик субъектларининг кабинетини» ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани айтиш жоиз. Унда, жумладан, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, лицензия ва руҳсат этиш характерига эга ҳужжатларни қўриб чиқишда тўланадиган йиғимлар ва давлат божларини Интер-

нет-банкнинг тизими орқали амалга ошириш назарда тутилган.

Семинар якунида партия Дастури, Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда, Президент фармони ва қароридан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлақонли бажарилишини жамоатчилик назоратига олиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, бу борада О'зЛиДеР Спёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги, унга мувофиқ, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва долзарб аҳамиятини электоратга етказиш, тарғибот-тушунтириш йўна-

## Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин Сингапурга берилган. Учинчи ўринни Ўзбекистон, Дания ва Гонконг эгаллаган. Ўзбекистондан кейинги ўринларда АҚШ, Бельгия, Норвегия, Эстония, Қозғистон, Россия ва бошқа мамлакатлар қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, мазкур мустақил халқаро таъминлашнинг юқори баҳолига сазовор бўлган Ўзбекистондаги ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик мустақиллик йилларида изчи ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ва ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги энг долзарб масалаларни самарали ҳал этишга йўналтирилган тизимли, кенг қўламли ишлар натижасидир.

Бунда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар асосини демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири — қонун устуворлиги ташкил этади. Ушбу тамойилнинг ҳақта таъкид этилиши жараёнида қонун усту-

ворлигини, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимояланганини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Натижада суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қонунчиликни мустақамлаш, одил судловнинг сифати ва тежорлигини ошириш, адвокатура институти родини қучайтириш таъминланди.

Жиноят ва жиноий-процессуал қонунчиликнинг либераллаштирилиши, инсонпарварлик тамойилнинг қучайтирилиши бу борадаги энг муҳим йўналишни ташкил этади. «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши принципал кадам бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантириш Концепцияси»ни амалга ошириш доирасида кенг қўламли ишлар бажарилди. Масалан, ҳуқуқ-тар-

тибот ва назорат органлари фаолиятида қонунчиликни ва қонун устуворлигини таъминловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилди, жиноий, маъмурий қонунчиликнинг янада либераллаштирилиши давом эттирилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг маъмурий-ҳуқуқий механиз-

**Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги рейтингда муносиб ўрин эгаллагани мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг изчиллиги ва юксак самарадорлигининг яна бир ёрқин мисолидир.**

тибот ва назорат органлари фаолиятида қонунчиликни ва қонун устуворлигини таъминловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилди, жиноий, маъмурий қонунчиликнинг янада либераллаштирилиши давом эттирилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг маъмурий-ҳуқуқий механиз-

ми таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таътирларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда 2014 йилнинг 1 октябидан бошлаб Интерактив давлат хизматлари порталида «тадбиркорлик субъектларининг кабинетини» ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани айтиш жоиз. Унда, жумладан, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, лицензия ва руҳсат этиш характерига эга ҳужжатларни қўриб чиқишда тўланадиган йиғимлар ва давлат божларини Интер-

нет-банкнинг тизими орқали амалга ошириш назарда тутилган. Семинар якунида партия Дастури, Сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда, Президент фармони ва қароридан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлақонли бажарилишини жамоатчилик назоратига олиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, бу борада О'зЛиДеР Спёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги, унга мувофиқ, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва долзарб аҳамиятини электоратга етказиш, тарғибот-тушунтириш йўна-

лишида туркум давра суҳбатлари ўтказиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларидаги депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини янада ошириш режалаштирилган.

Бу эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларидаги ҳар бир депутатлик гуруҳи мазкур ҳужжатларнинг ижроси устидан катъий назорат ўрнатилиши лозимлигини аниқлатади. Чунки улар ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини таъминлашнинг асосида тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, янги иш ўринлари яратиш ва хусусий секторда аҳоли бандлигини кўпайтиришга қаратилган.

Демократик курилиш борасида мамлакатимиз тўплаган таъриба ва самарадорлигини ҳаётнинг ўзи таъкидлаган давлат ва жамиятни изчиллик билан янгилашда фойдаланилаётган таърижий ёндашув дунёнинг қўлаб мамлакатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

(ЎЗА)

# Қонунчилик

Экспертларнинг фикрича, ижтимоий шериклик институти жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг мақбул йўлларида бири бўлиб, қонун лойиҳасида нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир масалаларни ҳал этиш, балки аҳолининг турли қатламлари манфаати ҳимоясини кафолатлашга хизмат қилувчи меъёрлар ҳам аниқ белгилаб қўйилапти.

## Ижтимоий шериклик ўзаро манфаатлар асосидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Жаҳонгир АБДУРАХИМОВ**

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» таллаблари асосида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун эса фуқаролик жамияти институтларининг родини янада кучайтиришга қаратилган бўлиб, ундан қўзланган мақсад ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ҳамда юрдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ННТларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришдан иборатдир.



кабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги ҳужжатларни тилга олиш мумкин. Зеро, ривожланган мамлакатларда давлат ва ННТлар ўртасида ҳамкорликка бирламчи эътибор қаратилган бўлиб, қонунчиликда ижтимоий шерикликнинг изчиллигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар тўла акс этган.

Шунинг учун ҳам парламент қуйи палатасида кизгин муҳокама этилаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини сифатида ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари, принциплари ва асосий соҳаларига тўла таъриф берилаётган. Унда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилини, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини асраш, баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, айниқса, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билмиш ва маданиятини ошириш ННТлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада давлат органларининг ННТлар билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларнинг

иштирок этиш шакллари ва усуллари ҳам мустаҳкамланмоқда.

ННТларнинг жамиятдаги родини янада ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этишлари ни рағбатлантириш мақсадида қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгашлари томонидан ижтимоий комиссиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватловчи жамоат фондларини ташкил этиш назарда тутилган.

Бундай комиссиялар зиммасига жамоат фондлари вазифалик кенгашларининг вазифаларини юқлаш мўлжалланган. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқарувчи Парламент комиссияси томонидан эса ушбу комиссияларнинг Намунавий регламенти тасдиқланади.

Муҳокамада депутатлар, вазирликлар ва идоралардаги экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, чет эллик экспертлар ҳам иштирок этмоқдалар. Шу қўнғача қонун лойиҳасини маромига етказиш мақсадида

барча минтакаларда 200 дан ортиқ конференция, давра суҳбати, семинар ва учрашувлар ўтказилганини тилга олиш мумкин. Шу жумладан, 20 дан зиёд халқаро тадбир ташкил этилиб, уларга Франция, Бельгия, Италия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг мутахассислари жалб этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги, ошқоралиги ва янада самарали фаолият олиб боришларига хизмат қилади. Бундан ташқари янги қонун лойиҳаси ННТларнинг жамият олдидagi ҳисобдорлиги, ННТларни қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнига фаол жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ННТлар родини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ишлар самардорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатини ҳар томонлама ҳисобга олиш, пировардида эса мамлакатни янада либераллаштириш ва демократлаштириш учун кенг имкониятлар яратганда.

## «Маънавий қиличбозлик» тўхтагани йўқ

Айни пайтда инсоният ҳаётига катта ҳавф солаётган халқаро терроризм, наркогрессия ва СПИД сингари офатлардан ташқари бир қарашда кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган хатарлар ҳам борки, улар орасида Фарб оламида эркинлик ниқобида кенг тарқалётган ахлоқсизлик

Республика Маънавий тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташаббуси билан ўтказилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самардорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ўрни» мавзусидаги матбуот анжумани ана шу долзарб масалага бағишланди.

Маънавий тарғибот маркази масъул ходими Г.Маткаримова журналистларга маъмур муассаса ва унинг минтақавий-ҳудудий бўлиmlари томонидан жорий йилнинг I чорагида 17639 та учрашув, давра суҳбати, маъруза, савол-жавоб кечалари ва бошқа шаклдаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилганини маълум қилди. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда 6140 та турли тадбир ташкил этилган. Шу билан бирга маънавий тарғиботи ниҳоятда маъсулиятли ва мураккаб иш эканини эътиборга олиб, қайта тайёрлаш курсларида жамоатчилик асосида жойларда фаолият олиб бораётган 2 мингга яқин тарғиботчининг малакаси оширилди. Лекин тилга олинган рақамлар, ҳисоботлар фаолият самардорлигини кўрсатувчи реал омил бўлолмастлигини, энг асосийси, қалблардан ҳарорат ва юраклардан меҳр-муҳаббат туйғуларини жой олиши, одамлар онгу тафаккури юксалишида эканини таъкидлади.

— Маълумки, ғоявий курашларда таҳдид сўлувчи ҳам, ўзини ҳимоя қилувчи ҳам ўзи илгари сураётган ғояни амаллаштириш, яъни тарғибот-ташвиқот услубларидан унумли фойдаланишга интилади. — деди ўз сўзида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуронов. — Қайси томон енгилишини эса пировард натижада илмга асосланган ижтимоий тарбия ва ташвиқот ҳал қилади. Шу тариқа мафкуралар тортишуви — ташвиқотлар тортишувига айланади, дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, юз йиллар аввал айрим олимлар мафкурани «маънавий қилич», деб бежиз атамаганлар. Орадан неча асрлар ўтса ҳамки, мафкуралар кураши — «маънавий қиличбозлик» тўхтагани йўқ. Шу маънода геосиёсатда у ёки бу кучнинг қўли устун келиши маънавий билан чамбарчас боғлиқдир.

М.Қуроновнинг айтишича, марказ томонидан жорий йил давомида 15 номдаги китоб ва услубий қўланма, 8 хил номда, 80 минг нусхада плакатлар маъмур, 30 га яқин мавзуларда слайд материалли, йўриқномалар ишлаб чиқилиб, таълим муассасаларига ҳамда турли ташкилотлар, корхоналарга бепул тарқатилган. Маънавий хуружлар, ахборот ва мафкуралар таҳдидларининг олдини олиш, маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишга қаратилган 12 та республика илмий-амалий конференцияси ўтказилган. Ҳуқуқ масалаларида ташкил қилинган «Бир таҳдидга беш зарба» мавзусидаги семинар-тренинглари ҳам жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир ниҳоясида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди. **Бехоҳд ИСРОИЛОВ.**

## Битирувчилар бандлиги депутатлар назоратида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Озод РАЖАБОВ,**  
«XXI asr»

— 2012-2013 ўқув йилида 107 та касб-хунар коллежини 96 та мутахассислик бўйича 43 574 нафар ўқувчи тамомлади, — деди сессияда депутатларга ахборот берган Раҳматжон Фуломов. — Битирувчиларни тадбиркорликка жалб этишда тизим тасарруфидати муассасалар қошида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини ривожлантириш учун 10 та йўналишда 67 та кичик корхона, 19 та йўналишда жами 762 нафар ўқувчини касбга ўқитиш имконини берадиган сервис субъектлари ташкил этилди.

Саккиз юзга яқин маҳалла фуқаролари йиғинларининг ҳар бирида камида 10 тадан хизмат кўрсатиш шохобчалари очилаётгани ва уларга қол-қолга битирувчиларни ишга жойлаштириш натижасида 2 минг нафардан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, бизнестга қизиқувчи ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 480 нафар битирувчи тажорат банкларидан жами 5 млрд. сўм кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилди. Натижада 43 574 нафар битирувчининг 39 527 нафари ёки 90,7 фоизи ишга жойлаштирилди. Шундан ўз мутахассислиги бўйича бандлиги таъминланганлар 20 186 нафар ёки 46 фоизни ташкил этди.

Матрузачи жорий йил учун режалаштирилган чора-тадбирларга ҳам тўхталиб, 2013-2014 ўқув йилида 108 та касб-хунар коллежини 110 та мутахассислик бўйича 40 691 нафар ўқувчи тамомлаётганини, битирувчиларни эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш учун аниқ ташкилотларга бириктиришга доир 26 банддан иборат манзилли дастур ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда республикани иж-

тимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган йиғилиши хулосаларидан келиб чиқиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирувчи қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида махсус штаб иши ҳам йўлга қўйилди. Айни пайтда битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишлаб

лаштирилганидан кейин битирувчилар бандлигини таъминлашда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим этилган квота-иш ўринларининг 2060 таси, вилоятда яратилган жами янги иш ўринларининг эса 23 302 тасига айнан ёшларни жойлаштириш режалаштирилган.

Сессия яқунда Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимларига мулкчилик шаклидан

**Депутат Шаҳобиддин Норматов айрим ҳудудларда корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузишга етарли даражада эътибор қаратилаётгани, масалан, Поп, Наманган ва Янгиқўрғон туманларида шундай ҳолатлар кузатилаётганини таъкидлади.**

чиқариш амалиётини ўтатиш ва кейинчалик шу ернинг ўзига ишга жойлаштириш учун 19 364 нафари ёки 47,6 фоизи билан вилоятдаги 7 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланди.

О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари сессияда мавжуд камчиликларга ҳам тўхтадилар. Жумладан, депутат Шаҳобиддин Норматов айрим туманларда корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузишга етарли даражада эътибор қаратилаётгани, масалан, Поп, Наманган ва Янгиқўрғон туманларида шундай ҳолатлар кузатилаётганига эътибор қаратилди.

Шу ўринда «Битирувчи-2014» анкета-сўровномасида нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ҳам қатнашганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, жойларда онлавий тадбиркорлик фаолиятини бошқарувчи битирувчиларни аниқлаш, уларга 2014 йилда тажорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишда қўмақлашни учун ўтказилган очик мулоқотлар жадвали ҳам тасдиқланди.

Ушбу маълумотлар умум-

катий назар барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимга камида уч нафардан талабани шотирд сифатида бириктириш орқали етук кадрлар тайёрлаш тажрибасини, вилоятдаги барча бошқарма, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг йиғилишларида шу соҳадagi касб-хунар коллежлари директорларини таклиф этишни йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари томонидан коллеж битирувчилари ўртасида сўровнома ўтказиш орқали тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларни аниқлаш, уларга давлат рўйхатидан ўтиш, зарур ҳўжажатларни расмийлаштириш, тажорат банкларидан кредит олишларида қўмақлаштиришга қаратилган туркум ўқув-семинарлар ташкил этиш лозимлиги ҳам қўша сессия қарорида ўз аксини топди.

## ХАБАРЛАР

### «Ўзбекистон матбуоти» ўзгарди ва ўзгаряпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Янги «Ўзбекистон матбуоти»нинг еттига сонини таҳлил этсак, асосий эътибор соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилганга гувоҳ бўламиз. Муаллифларнинг асосли таклифлари, таъкидий-таҳлилий мақолаларида билдирилаётган мулоҳазалар, миллий матбуотимизнинг янада раванг топишига хизмат қилаётган қонунларга муносабат журнал аудиторияси ҳам табиий равишда кенгаётганини кўрсатмоқда. Айниқса, замонавий матбуот қандай бўлишига оид илмий-оммабоп мақолалар, журналистикамизга тамал тошини қўйган сиймолар ҳақидаги очерклар кўпчиликида қизиқиш уйғотяпти.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон матбуоти» ўзгарди ва ўзгаряпти. Аммо журналда миллий матбуотимиз фаолияти янада кенгроқ ёритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ўқувчилари асосан журналистлар ҳамда зиёли қатлам вакилларида иборат нашр ОАВ ходимлари учун қайсидир маънода эталон вазифасини ўташи керак.

«Ўзбекистон матбуоти» ижодий жамоаси бунга эришиш учун ҳаракат қилаётгани шубҳасиз. Зеро, журналнинг сондан-сонга ижобий томонга ўзгариб бораётгани шундай дейишга асос бўла олади.

### Қирқ учта балиқчилик ҳўжалиги иш бошлайди

2014 йили Навоий вилоятида 73 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилади. 2013 йили Навоий вилоятида 49 та балиқчилик ҳўжалиги ташкил этилган эди.

Вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг фикрича, соҳадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттириляпти. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида белгиланган лойиҳаларга кўра, яна 43 та балиқчилик ҳўжалиги ташкил этиш учун тажорат банкларидан 435 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Бу эса йил охиригача ушбу ҳўжаликларда 73,2 тонна паргезоб маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

**Мансур АСЛОНОВ.**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Индамай тур ёхуд сукут сақлагандан кўра яхшироқ сўз айт».**

Пифагор.

# Истиқболли режалардан — амалий натижалар сари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Наргиза КАХХОРОВА, «XXI asr»



Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, бу борада мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланиш O'zLiDeP олдига турган асосий вазифалардан биридир. Шу мақсадда партиянинг барча бўғинлари, жумладан, «Аёллар қаноти» ҳам йил бошидан бери аниқ ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Натижада ўтган уч ой давомида партия электорати саналган хотин-қизларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этиш, уларнинг билим ва малакасини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

«Аёллар қаноти»нинг «Соғлом бола йили»: O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг лойиҳалари мавзусидаги кенгайтирилган йиғилишида оилавий бизнес, хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, шу йўл билан аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий ва қонуний ҳуқуқларини яқинлаштириш тарзда химоя қилиш масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, «Аёллар қаноти» илгари сураётган лойиҳалар, энг аввало, жойларда ислохотлар изчиллигини таъминлаш, хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, шу орқали аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, хизматлар бозорига илгор тажрибаларни кенг қўллашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

O'zLiDeP Сиесий Кенгаши Ижроси кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова «Соғлом оила — мустақкам оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» ҳамда «Соғлом бола йили» муносабати билан ишлаб чиқилган «Фермер-

лик ҳаракати — хал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч» лойиҳасининг мақсад ва вазифаларига тўхталаркан, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш, муносиб фарзандларни тарбиялаш, уларга кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини юксалтириш бугун устувор аҳамият касб этмоқда, деди у. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнес қонуний тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, шу орқали аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, хизматлар бозорига илгор тажрибаларни кенг қўллашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, «Аёллар қаноти» томонидан илгари сурилаётган гоялар, хусусан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси тобора оммалашиб бормоқда. Утган йили ҳам ушбу лойиҳа яхши натижалар берганди. Хусусан, унда

11404 нафар хотин-қиз иштирок этиб, улардан 180 нафарига банклардан 3 млрд 888 млн. сўм миқдорига кредит олишга яқиндан ёрдам кўрсатилди. Энг асосийси эса 650 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Жорий йилда ҳам ушбу лойиҳалар доирасида қўллаб-қўллаш ва ташаббусларни ишлаб чиқиш қўзда тутилмоқда, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаолияти, жамиятга ўрни ва мавқенини ошириш бўлими раҳбари Севара Муслимова. — Жумладан, илгор фермер хотин-қизларнинг тажрибасини оммалаштириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳамда қишлоққа саноатни олиб кириш, чекка қишлоқларда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида «Фермерлик ҳаракати — хал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч» лойиҳаси амалга оширилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг илмий-тадқиқот жараёнларига кенгрок жалб этиш, инновацион технологиялар-

ни ривожлантириш, фуқаролик институтлари фаолиятини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, партиянинг кадрлар захирасини шакллантиришга қаратилган «Аёллар — инновацион ривожланиш тарафдори», «Замонавий аёл — бунёдкор етакчи» номли лойиҳаларини рўйбга чиқариш қўзда тутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларига сайловлар тобора яқинлашаётгани муносабати билан тадбирда жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, бу борада O'zLiDeP, хусусан, «Аёллар қаноти» имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

— Истиқлол шарофати билан кўп нарсага эга бўлдиқ, — дейди Қайрат туманидаги «Шарк Мохинур» фермер хўжалиқи раҳбари Мохинур Алимардонова. — Бундан халққа қувонсак арзийди. Утган йили O'zLiDeP «Аёллар қаноти» лойиҳаларида фаол қатнашиб, 150 милли-

он сўмлик имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Шу ҳисобдан янги қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинди. 7 нафар йилгиз-қиз иш билан таъминланди. Келгусида мева қуриштириш линияси харид қилиш, томчилаб суғориладиган илгисив боғ барпо этишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳа, партия лойиҳалари хотин-қизларнинг маданий-маиший турмуш тарзини янада яхшилаш, уларнинг сиёсий фаолигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу лойиҳалар орқали бугун ҳаётдан ўз ўрнини топиб, жамият ва оила фаровонлигини оширишга муносиб хисса қўшаётган опа-сингилларимизнинг тобора кўпайиб бораётганини янада қувонарлиқдир.

Йиғилишда O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг партия лойиҳаларидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган тегишли тадбирлар режаси белгилаб олинди.

# Озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб масала

Жорий йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимиз Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан жами 742,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди

Рисолат МАДИЕВА

Бу борадаги ўсиш суръатлари айниқса қандолатчилик, озиқ-овқат, шакар ва ёғ-мой тармоқларида яққол кўзга ташланипти.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган «Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш — тараккиёт қафолати» мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу рақамлар тилга олинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишига айлангани, шу боис аҳоли жон бошига нисбатан асосий турдаги озиқ-овқатлар — галла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот миқдори изчил оширилганини таъкидладилар. Бундан ташқари қайта ишлаш хажми кескин кўпайгани, яъни барча турдаги маҳсулотлар юртимизнинг ўзидан ишлаб чиқарилиши натижада озиқ-овқат хавфсизлиги ва мустақиллигига эришилаётгани қайд этилди.

Анжуманда, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам йил сайин кўпайгани, хусусан, жорий йилнинг январь-март ойларида республикамиз бўйича 34 та сўт, 19 та гўшт, 7 та мева-сабзавот ва 43 та бошқа озиқ-овқат корхоналари ишга туширилган. Ана шу даврга маққур корхоналар томонидан 241,5 тонна сут ва сут маҳсулотлари, 61,5 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 25,5 тонна қуритилган мева-сабзавот ва 1284,5 тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди.

— Қўшма корхоналарни ташкил этиш, яъни хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш натижада маҳаллий озиқ-овқат саноати янада тараккиёт этмоқда, — деди Озиқ-овқат саноати



Солиқ ЗОИР олган сурат

корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари Фахриддин Норматов. — Жумладан, 2014 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига асосан, уюшма тизимидаги корхоналар томонидан 42 та лойиҳани амалга ошириш ва шу тарихка соҳага 81,62 миллион АКШ доллари миқдорига сармоя жалб этиш қўзда тутилган. Эътиборлиси, ўтган чорақанда ана шу маблағларнинг 11,54 миллиони ўзлаштирилди.

Ўз навбатида, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда жами 1180 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилгани айтиш жоиз. Улар ижросини таъминлаш ҳисобига 7950 тонна сут, 3950 тонна гўшт, 10500 тонна мева-сабзавот ва узум, 25800 тонна бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари бу йил Тошкент вилоятидаги «Ангрен шакар» корхонасини фойдаланишга топшириш натижада аҳолининг шакарга бўлган эҳтиёжи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига тўлиқ қондирилди. Самарқандда «Сиеб Шавкат Орзу» фермер хўжа-

лиги негизда ташкил этилаётган сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона биноларининг қурилиш ишлари ҳам деярли якунланган бўлса, йил давомида Тошкент вилоятидаги «Mehnat Malt» маъсулятини чекланган жамиятида солод ишлаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Қашқадарё воҳисиди эса мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Асл консерва» корхонасини тўлиқ модернизациялаш қўзда тутилган.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, келинги йилларда уюшма тизимидаги корхоналарда эскирган ускуналар замонавийлари билан босқичма-босқич алмаштириляпти. Бу эса иш унумдорлигини оширишдан ташқари хом ашё ва ёрдамчи материаллар сарфини камайтириш, электр энергияси ва бошқа табиий ресурсларни тежаш, маҳсулот таннархини пасайтириш имконини бераётди. Натижада уюшма томонидан тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, январь-март ойларида маҳсулот таннариги ўртача 8,5 фоизга пасайтирилган.

Тадбир сўнгиди мутасаддилар журналистларнинг саволлари атрофида жавоб қайтардилар.

## «ЁШЛАР ҚАНОТИ»

# Битта лойиҳанинг бир ҳудуддаги самараси

O'zLiDePнинг ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари Жиззах вилоятида ҳам янги авлод вакиллариининг ўз бизнесларини йўлга қўйишида қўшимча имкониятлар яратмоқда

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

— Утган йили биргина «Диплом билан — бизнестга» лойиҳасининг вилоят босқичи доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда 612 нафар битирувчи қатнашган бўлса, 59 нафар иштирокчиларнинг бизнес лойиҳалари учун 246 млн. 360 миңг. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилганди, — дейди вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжиятов. — Натижада ёш тадбиркорлар томонидан 100 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Бу йил эса партиявий лойиҳалардаги ҳамкор ташкилотлар, хусусан, тажирот банклари билан алоқаларни янада кучайтириб, иштирокчилар сонини кўпайтиришимиз. «Диплом билан — бизнестга-2014»нинг Жиззах шаҳар босқичи доирасидаги тадбирларга 150 нафарга

яқин битирувчи жалб этилган ҳам шундан далолат бериши мумкин. Уларнинг 42 нафари қандолатчилик, кондиционер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалигида асаларилик соҳасини ривожлантириш борасидаги бизнес-режалари билан қатнашаётдилар.

— Партиявий лойиҳалар туфайли мен ҳам бизнестга қалам қўйдим, — дейди Жиззах шаҳридаги тиббиёт коллежи раҳбари Муҳаммад Иштиқов. — «Диплом билан — бизнестга» лойиҳасининг вилоят босқичида «Исикхона фаолиятини ташкил қилиш» бўйича бизнес-режам билан қатнашиб, «Ипотeka банк»дан имтиёзли асосда 5 миллион сўм кредит олдим. Ҳозир исикхонада лимон, апельсин ва мандарин етиштириляпти. Энг муҳими, яна икки нафар тенгдошимни иш билан таъминладим.

— O'zLiDePнинг «Дип-

лом билан — бизнестга-2014» лойиҳасида «Мебель ишлаб чиқариш» бўйича тузган бизнес-режам билан қатнашман, — дейди Жиззах транспорт, алоқа касб-хунаар коллежи талабаси Жаҳонгир Ганиев. — Ўқув-семинарларда тадбиркорлик лойиҳаларининг банклар орқали молиялаштирилиши, кредитларни расмийлаштириш, суғурталаш жараёнлари, солиқ имтиёзлари ҳақида кенг маълумотлар олдик. Келажакда 7 млн. сўм кредит эвазига ёғочга ишлов берадиган дастгоҳлар харид қилмоқчиман.

Шу ўринда ушбу лойиҳанинг Жиззах шаҳар босқичида иштирок этиш учун таълим муассасаларининг 100 нафарга яқин битирувчисидан аризалар келиб тушгани ва уларнинг 10 нафари вилоят босқичида қатнашиб хуқуқини қўлга киритгани ёшларнинг партиявий лойиҳаларга қизиқиши тобора кучайиб бораётганидан далолат бераётганини қайд этиш жоиз.



**АНДИЖОН.** O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан партиянинг «Диплом билан — бизнестга» лойиҳаси доирасида «Имтиёзлар янги имкониятларга йўл очмоқда» мавзусида бизнес форум ташкил этилди. Балиқчи туманидаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирда «Ёшлар қаноти» фаоллари олдига турган долзарб вазифалар муҳокама этилиб, асосий эътибор ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид қонун лойиҳалари ва қонуности ҳужжатлари ижросига қаратилди. — Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишларимизда бизга дастуриламал бўлмоқда, — дейди Балиқчи туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Матлуба Халилова. — Маълумки, сиёсий партиялар фуқаролар, шу жумладан, ёшлар фаолигини ошириш, уларнинг хоши-иродасини ифода этиш, фуқаролар ташаббусларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайдилар. O'zLiDePнинг лойиҳалари бу борада ёшларга кенг имкониятлар эшигини очаетир.

**СУРХОНДАРЁ.** O'zLiDeP вилоят кенгаши Термиз туманидаги 2-академик лицейда «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида «Оқсак ҳуқуқий маданият — демократик ислохотлар ва муваффақиятлар гарови» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашилар депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. — Бу йилги танловда туманда «Истеъдод мактаб»ни ташкил этиш, Ахборот-ресурс маркази фаолиятини йўлга қўйиш масалаларини қамраб олган сайловда тадбир билан қатнашман, — дейди Термиз қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунаар коллежи 3-курс талабаси Феруза Авазова.

Ҳақиқатан ҳам минг-минглаб ёшлар бошини қовуштириб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишга хизмат қилаётган партиявий лойиҳалар истиқболли ёш кадрлар захирасини шакллантиришга замин яратаетир.

## АНЖУМАН

# O'zLiDePчи фермер тажрибаси ўрганилди

Қизилтепа туманидаги «Кубаро диёр» кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳудуддаги илгор хўжалиқлардан саналади. Шу боис Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, O'zLiDeP вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Фермерлик ва ёшлар» лойиҳаси доирасидаги «Ёш фермер — қишлоқ фаровонлигини таъминловчи етакчи куч» мавзусидаги навбатдаги анжуман айнан ана шу хўжаликда ўтказилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, вилоят прокуратураси, «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик йўналишларида фаолият юритаётган ёш фермерлар иштирок этган анжуманда қишлоқ мулкдорлари фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, чорва наслини яхшилаш, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар ташкил қилиш, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда халқаро меъёрларга тўла жавоб беришчи замонавий технологиялар асосида маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хорижга маҳсулот чиқарувчи хўжалиқларга солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёз ва преференциялар бериш борасидаги янгиликлар хусусида атрофлича маълумотлар берилди. «Шухрат» медални соҳиби. O'zLiDeP аъзоси Хуриш Раҳмонов раҳбарлигидаги фермер хўжалигининг пахта ва галла етиштириш, боғдорчилик, қорамолчилик, қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик, туячилик, йилқичилик каби соҳаларда эришаётган ютуқлари тадбир қатнашчилари эътиборини тортиди.

Мансур АСЛОНОВ.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

# «Ёшлар, биринчи навбатда, келажакки борлиги учун бахтлидирлар».

Н. Гоголь.



# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

16 (544)-сон, 2014 йил 24 апрель, пайшанба

## Сайловчи ишончини оқлаш керак

Чилонзор туманида 2069 нафар партиё аъзосини бирлаштирган 94 та қуйи бўғин сайловлар йилида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, электорат вакиллари вакиллик мувожаатларини ҳал этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар

**О'zLiDeP**  
Чилонзор туман кенгаши раиси ўринбосари Абдунаби Мухримовнинг таъкидлашича, айтилган асосий эътибор хусусий сектор вакиллари орасида Президентимиз маърузалари, фармон ва қарорларида белгилаб берилган вазифалар, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушуниришга қаратилмоқда.



**Бехзод ИСРОИЛОВ,**  
«XXI asr»

— Жойларда ўтказилаётган тадбирларда муҳокама этилаётган мавзулар фаолиятимиз билан чамбарчас боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилганимдан кейин О'zLiDeP сафида бўлишга қарор қилдим, — дейди «Максимум формат» МЧЖ раҳбари ўринбосари Илхом Баходиров.

«Semurg States Buhara» МЧЖ директори Гулбахор Абдужалилова ҳам туман кенгаши, қуйи бўғинлар ташаббуси билан ташкил этилаётган турли мулоқот ва давра суҳбатларида иштирок этиб, партиёга аъзо бўлганини айтиди.

— Айниқса, партиёнинг Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлиналари билан биргаликда ўтказилган, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга хизмат қилаётган суҳбатлари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Г.Абдужалилова.

— Мазкур йўналишдаги илк тадбирлардан бири «Гулстон» МФИда ўтказилганда бор-йўғи 9 киши қатнашгани, — дейди туман кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Стелла Булгакова. — Бироз вақт ўтгач, маҳалла фаоллари яна учрашув ўтказишимизни илтимос қилишди. Кейинги тадбиримизда 50 нафардан зиёд маҳалла фуқароси катнашди. Мулоқотлар чоғида О'zLiDeP фаолиятига қизиқиш кучли эканига яна бир қарра амин бўлдик. Айниқса, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, партиалар фаолияти билан қизиқаётганлари ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга ундапти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши

депутатлари иштирокида эса «Сайлов тизими либераллашувида О'zLiDePнинг вазифалари», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича партиёнинг устувор йўналишлари», «Бошланғич ташкилотларнинг ҳудуд иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, партиё дастурий максалларини амалга оширишда тутган ўрни ва роли» мавзуларида тадбирлар ўтказилди.

Чилонзорда партиёвий лойиҳаларни амалга оширишга ҳам фаоллар катта ҳисса қўйишди. Бу жараёнда, айниқса, ташаббускор, иқтидорли, етакчилик қобилиятига эга ёшлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Натижада кейинги ойларида партиё сафларига 161 киши қабул қилиниб, 10 та янги қуйи ташкилот тузилди. Эътиборлиси, янги аъзоларнинг 65 фоизи ёшлар, 70 фоизи эса хусусий сектор вакиллари.

Муҳими, чилонзорлик маслақдошларимиз эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмаптилар. Яқинда БПТ аъзолари ташаббуси билан

**«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҲАМДА ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ АХБОРОТЛАРНИ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРАДИ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР БИЛАН БЕВОСИТА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ».**

О'zLiDeP Уставидан.

бирлар белгилаб олинди. Туман кенгаши қошида эса ёш ишбилармонларга банк соҳаси, солиқ сиёсати ва бухгалтерия иши ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар берувчи бепул ўқувлар ташкил этилди. Ушбу лойиҳага партиё таянч тузилмалари иш юритаётган «Микрокредитбанк» филиали, «Yagan Consulting» аудиторилик компанияси, «URI-KOM» адвокатлик фирмаси мутахас-

сислари ҳам жалб қилинаётир.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, хали кенгаш ва бошланғич ташкилотлар фаолиятида фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигини ҳам тан олиш керак. Зеро, туманда 230 минг киши яшаётгани, 5500 тадбиркорлик субъекти иш юритаётгани инобатга олинса, электорат ичига янада чуқур кириб бориш учун хали кўп ишларни амалга ошириш кераклиги аён бўлади.

— Партиё фаолларидан ташкил топган махсус кичик гуруҳлар туманимиздаги мавжуд ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ўрганиб чиқмоқдалар, — дейди А.Мухримов. — Улар зиммасига тарғибот ишлари ҳам юклатилган. Аниқланган нуқсонларнинг бартараф этилиши, ўтказилаётган тадбирларнинг ҳар жиҳатдан пухта, ғоявий-сиёсий мукамаллиги аҳолининг партиёга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаши, пировардида эса ташкилотимиз ва унинг таркибидаги БПТлар фаолиятига тақомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

## Танқиддан тегишли хулоса чиқарилди

Маълумки, О'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг IV мажлисида қўлга киритилган натижалар баробарида айрим ҳудудларда йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқид қилинган, хусусан, Навоий вилоятининг Нурота туманида бошланғич ташкилотлар, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий кенгаш иши талаб даражасида эмаслиги қайд этилган эди. Хўш, ўтган даврда кенгаш ва қуйи тузилмалар фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди?

О'zLiDeP Нурота туман кенгаши раиси ўринбосари Бекзод Сиддиқовнинг маълум қилишича, партиё фаоллари айтилган асосий эътиборни қуйи бўғинлар ишлари тақомиллаштириш, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратмоқдалар.

Жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари қучайтирилганидан кейин эса депутатларга, БПТ етакчилари ҳамда О'zLiDeP Нурота туман кенгашига мувожаат қилувчилар сони янада ошди.

Масалан, «Чу» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидати бир гуруҳ ишбилармонлар хонадон ва биноларни тўлиқ телефонлаштириш масаласида ёрдам сўраб, партиё фаоллари мувожаат қилдилар. Ушбу масала аввал маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳида ўрганилди. Кейин депутат Акмал Халилов томонидан «Ўзтелеком» мутасаддиларига депутатлик сўрови юборилди. Кўп ўтмай, кишлоқда замонавий алоқа тизими ишга туширилди.

Нурота шаҳарчасидати «Ғулом ота» хусусий корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари ҳам ана шундай мувожаатларни ижобий ҳал этишда депутатларнинг энг яқин ёрдамчиси, таъбир жоиз бўлса, елкадошига айланган. Чунончи, БПТ аъзолари «Оби ҳаёт» мавзеси қўчаларини янгидан асфальтлаш, йўл ёқаларига гуллар экиш, қаровсиз ерларда дарахтзорлар барпо этиш ташаббуси билан чиққандилар. Бу ташаббус ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Муҳими, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Аслан Ислоннинг депутатлик сўрови асосида туман ободонлаштириш бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар бу масалада амалий ёрдам кўрсатдилар.

Аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган ана шундай ташаббуслар одамларнинг бошланғич ташкилотларга, улар орқали эса О'zLiDePга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, дейиш мумкин. Бу борада «Озода Элмуродова», «Сарбон» фермер хўжаликлари, туман ветеринария лабораторияси, «Ал-Араб Шерзод» МЧЖда рўйхатдан ўтган қуйи бўғинлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бошланғич ташкилотлар тарғибот ишларини ҳам қучайтирмоқдалар. Айни вақтда қуйи бўғинларнинг «Мулкдор оила», «Ишбилармон талаба», «Душом билан — бизнест» каби партиёвий лойиҳалардаги иштироки сезиларли даражада кенгайди. Жумладан, қасб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесларини бошлашлари учун амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Натижада ўрта қатлам вакиллари партиё фаолиятига қизиқиши кучайиб, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллиги ортапти.

Мавриди келганда, бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги муҳим жараён — ҳисобот-сайлов йиғилишларига ҳам тўхталиш жоиз. Шу қунгача тумандаги 31 та қуйи ташкилотдан 30 тасининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, истикболдаги режалар белгилаб олинди. 2 та БПТга ёш, иқтидорли ва ташаббускор етакчи сайланди. Йиғилишларда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарори асосида тузилган ишчи гуруҳнинг Навбахор ва Кармана туманларидаги фаолияти давомида аниқланган камчиликлар Нурота мисолида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилганини таъкидлаш лозим.

Кўриниб турибдики, Нуротада О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши мажлисида қайд этилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилган. Лекин, бизнингча, бундай ўзгаришларга эришиш учун кимнингдир танқидий муносабатини кутиш тўғри эмас, албатта.

Аслиддин Аптаров,  
О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши масъул ходими.

**БПТлар УЧУН**  
**XXI ASR** ижтимоий-сиёсий газетасига  
**илтнфез.ли ОБУНА** давом этмоқда.  
Мувожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

### Энг катта бойлик

Пойтахтимиздаги 257/258-сонли АТСда фаолият олиб бораётган БПТ етакчиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Айгул Сатторова ташаббуси билан Сергели туризм ва бизнес касб-хунар коллежиди «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партиё аъзолари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

— Руҳан ва жисмонан соғлом авлодга келгусида таниқли тадбиркор, фермер ёки олим, санъаткор бўлиб етишиши мумкин, — деди тадбирда А.Сатторова. — Буни учун эса давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш жараёнида фаол қатнашиш, янги авлод вакиллари йўлантираётган муаммоларни ҳал қилишимиз лозим.

Тадбир ниҳоясида партиё Сергели туман кенгаши масъуллари, «Тошкент иккиламчи қора металл» ДУК ҳамда «12-автосарой» ОАЖ даги О'zLiDeP қуйи бўғинлари раислари, «Ал-Фарғоний», «Мустақиллик» МФИларидаги фаоллар талабаларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

### Ёшлар — юрт таянчи

Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг «Қўқон таянч пункти»да иш олиб бораётган қуйи бўғин аъзолари Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда партиё фаоллари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

— Жойларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсим келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, юрт равнақиға муносиб ҳисса қўша оладиган комил инсонлар этиб тарбиялашга кўмаклашиш олдимизда турган энг асосий вазифалардан, — деди тадбирда БПТ етакчиси Мамлакат Йўлдошева.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

### «Бибиомина» муаммони ҳал этди

Олтиариқ туманидаги «Бибиомина» фермер хўжалиғида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари «Азимобод» ҚФИда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар мувожаатини, яъни газ таъминоти борасида мавжуд айрим камчиликларни муҳокама қилдилар.

БПТ етакчиси Б.Салимовнинг айтишича, ушбу масалага партиё туман кенгаши мутасаддилари, хусусан, халқ депутатлари Олтиариқ туман кенгаши депутати Б.Элчиев ҳам жалб этилди. Шундан кейин «Водийгазтаъминот» давлат-унитар корхонасининг Олтиариқ филиали раҳбари В.Тоштемировга депутатлик сўрови юборилди. Пировардида «Азимобод» маҳалласида газ таъминотидаги узиллишларга барҳам берилди.

Б.ИСРОИЛОВ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



## Молиявий ҳамкорлик қўл келмоқда

Бугун мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам аҳоли даромадларини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, халқ хўжалиги тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Мухаббат РАВШАНОВА,  
«XXI asr»

Бу жароғда молия бозориди ўз ўрнига эга бўлган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этипти. Хусусан, банкнинг Самарқанд вилоят филиалида пул маблағларини сақлаш, ҳисоб-касса, миллий ва хорижий валютада кредит ажратиш каби хизматлар йўлга қўйилган. Аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағлари мавжуд 5 та минибанк, 2 та махсус касса, 5 та жамғарма ва тўлов кассалари орқали омонатчилар ва мижозларга хизмат кўрсатилмоқда.

Айниқса, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Банк филиалида «Ишонч телефони» ўрнатилган бўлиб, мижоз истаган савол билан муурожаат қилиши ва жавоб олиши мумкин.

Жорий йил биринчи апрель ҳолатига жами кредит қўйилмалари 76,4 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 135,4 фоиз ўсishга эришилди. Шу ҳисобдан дастлабки чорак давомида хушхўларда 65 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилди, — дейди «Асака» банк ОАЖ Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси ўрибосари Мехридин Жулвис.

Энг муҳими, ажратилган кредитларнинг 94,8 фоизи узоқ муддатлидир. Жорий йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий рағбатлантириш учун 600 млн. сўм миқдорда сармома йўналтириш қўзда тутилмоқда. Жумладан, ҳозиргача Самарқанд банк коллежи талабалари Достон Шиддатов ҳамда Жамшид Омонов, Пайбарик кинлок хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежи талабаси Толмас Хайтбоевага имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, намунали хизмат тўғрисида банк мижозлари сафи тўбора кенгаймоқда. Жорий йилнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги «KREATIV-PROGRESS» хусусий корхонасига айланма маблағларни тўлдириб, зарур хом ашё



ҳамда замонавий тикув ускуналари сотиб олиш, Ўرғут туманидаги «QIZILBOSHTRANS» хусусий корхонасига транспорт хизматлари кўрсатиши йўлга қўйиб, Самарқанд туманидаги «GO SHT SUT PARRANDA CHORVACHILIK» МЧЖга эса қорамолчилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Бу эса жойларда кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана, бир мисол. Филиал мижози саналган «KREATIV-PROGRESS» хусусий корхонасига узоқ муддатли кредит ажратилган эди. Шу ҳисобдан ишлаб чиқариши янада ривожлантиришга эришилди. Энг муҳими, корхона «Тапаббос-2014» кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнашиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича муносиб ўрин эгаллади.

— Бир неча йилдан бери «Асака» банкнинг мижозимиз, — дейди мазкур корхона раҳбари Бахрид Норбутов. — Олинган кредит маблағлари асосан ишлаб чиқариши ривожлантириш, кўшимча иш ўринлари яратиш учун йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида корхонамизга 190 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Шу ҳисобдан Япония ва Хитойдан замонавий тикув машиналари харид қилишди. Натижанда 24 та кўшимча иш ўрни яратилди.

Уларга асосан касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 100 хилдан ортиқ тикувчилик буюми тайёрланмоқда. Улар юқори сифати ва харидорлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариши кенгайтириш айни кундаги долзарб масалалардан биридир. Банк жамоаси ҳам бу хайрли ҳаракатдан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озик-овқат товарлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 475,8 млн. сўм, «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариши кенгайтириш рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1.356 млн. сўм, шунингдек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 730 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди.


Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 28 млрд. сўм миқдорда сармома ажратиш режалаштирилган. Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқарттириш, иктисодийни жадал ривожлантириш, аҳоли-

нинг эркин пул маблағларини тилежорат банклари омонатларига жалб этиши янада рағбатлантириш юзасидан ҳам «Асака» банк вилоят филиали томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда омонатчиларга миллий ва хорижий валютадаги 90 хил омонат тури таклиф этиляпти. Жорий йилда уларнинг соми 6 тага кўпайтирилди. Мижозларнинг талаб-истаклари асосида ушбу омонатларни ўз вақтида қайтариш таъминланмоқда.

Бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиши янада рағбатлантириш мақсадида янги хизмат турларини йўлга қўйиб, жумладан, пластик картчалар ҳисоб-китоб тизимини тақомиллаштириш, савдо нукталарида терминаллар ўрнатиш чоралари кўрилмоқда.

Айни пайтда авиа ва темирйўл чиптахоналари, коммунал тўловлар ҳамда автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, турғун савдо тапшиқотлари, сервис, маиший хизмат, умумий овқатланиш тармоқларида махсус терминаллар ўрнатилган бўлиб, улар нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширишда жуда қўл келяпти. Банкда ўрнатилган банкомат, инфокиоск ҳамда терминаллар орқали аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини ихтиёрий равишда мустакил тасаруф этиш имкониятига эгадир.



## Ғолиблар муносиб тақдирланди

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОЧИҚ-АЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖОРИЙ ЙИЛДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 642 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН

Банк мутасаддиларининг фикрича, бу ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп, демакдир. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида соҳага 148,4 млрд. сўм миқдорда сармома йўналтирилди. Бунинг ҳисобига 2760 та иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ажратилган кредитлар иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хушхўларда янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг банк кредит портфелидаги улушини оширишга жиҳдий эътибор қаратиляпти.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш «Ўзсаноатқурилишбанк» диккат марказида турган асосий масалалардан биридир. Шу мақсадда жойларда турли тадбирлар ўтказилиб, кичик бизнес субъектларининг илғор тапаббослари хар томонлама қўллаб-қувватланыпти. Жумладан, «Оилавий тадбиркорлик учун энг яхши бизнес лойиҳа», «Касб-хунар коллежи бити-

рувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Аёллар тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Озик-овқат махсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси» ҳамда «Ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқарувчининг энг яхши бизнес лойиҳаси» йўналишлари бўйича тапшиқ этилган танловлар кўпчиликтида қизиклиш уйғотди. Мижозлар томонидан банк филиалларига тақдим этилган лойиҳалардан энг яхшилари саралаб олиниб, якуновчи босқичга таъсия этилди. Бунда иктисодий самарадорлик, кўшимча иш ўринлари яратиш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш да-ражаси асосий мезон бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори соҳа тараккиетида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда «Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BANKEXPO-2014» VII миллий кўргазмасини тилга

олинишнинг ўзи кифоядир.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам кўргазманинг фаол иштирокчиларидан бири саналади. Яқинда ўтказилган навбатдаги тадбирга кўпгина умидли ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари, томошабинлар ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф бўйича тапшиқ этилган танловлардан бири «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жорий қилинган янги хизмат турлари «Шахсий кабинет» ва «Уй банки» хизматлари тақдимоти барчада катта қизиклиш уйғотди.

«BANKEXPO-2014» кўргазмаси доирасида тапшиқ этилган танловда юқори натижаларга эришган 15 нафар тадбиркор кимтабҳо совғалар ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланди.

Эътиборлики, тадбир якунига кўра «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ — «Энг фаол инвестицион банк» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Бу эса молия муассасаси юрт тараккиети, аҳоли фаровонлиги йўлида барча имкониятлардан фойдаланаётганидан яна бир далилтидир. **Банк материаллари асосида Акбар МУЗАФФАРОВ таъйрлади.**

### КИЧИК БИЗНЕС

#### Жамғарма арзирли таклифларни жамғаряпти

Президентимиз Ислам Қаримовнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қашқадарё вилоят филиали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат таклифларини ҳамкорларга етказиш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида 725 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар асортиментини таҳлил қилди.

— Ана шу асосда экспорттоп махсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 2014 йилдаги прогнози белгилаб олинди, — дейди Жамғарма вилоят филиали директори Бахтиёр Турсунов. — Таҳлил натижасида 84 та корхона экспорт қилиш салоҳиятига эга эканлиги аниқланди. 48 та тадбиркорга жамғарма томонидан кўрсатилмаган манзилли кўмак, умумий қиймати 22,2 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда қимм, машинасозлик, озик-овқат, мебель, тўқимачилик санаети, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилиш режалаштирилди. Биринчи чоракда жамғарма томонидан тадбиркорларга 718 минг АҚШ долларига тенг махсулот ва хизматларни экспорт қилишга ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, Китоб туманидаги «Ўзгал савдо сервис», Миришкор туманидаги «Жейнов кўзгуси», Яқкабоб туманидаги «Асал шифо», Нишон туманидаги «Алп Ғиёс» хусусий фирмалари, Муборак туманидаги «Зариф Султон Ниёз» ва «Пионер Мустанг» фермер хўжалиқларига сертификат ва лицензиялар олишда, «Муродали Фарм текстиль» хусусий корхонасига эса 635 минг АҚШ доллари миқдордаги шартнома имзолаш ва банкдан рўйхатдан ўтказишда, шунингдек, хорижий ҳамкор топшида ҳам амалий ёрдам кўрсатилди.

Сайфулла ИКРОМОВ.

#### «Bek teks» — 901 та лойиҳанинг бири

Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013-2016 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурга асосан ўтган йили 107,2 млн. АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилгани натижасида 19 832 та янги иш ўрни яратилган.

Жорий йилда эса вилоятда санаетни ривожлантириш бўйича 221,4 долларлик 901 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Яқинда яна бир лойиҳа асосида Бахт шаҳрида «Bek teks» МЧЖ корхонаси ишга туширилди.

665 минг доллар миқдордаги банк кредити ҳисобидан 2 та матога гул босадиган дастгоҳ ҳамда 214 та «Juki» (Япония) русумидаги тикув машиналарини харид қилган корхона асосан Бахт шаҳри, шунингдек, Боёвут, Сирдарё, Сайхунобод ва Мирзаобод туманларидаги коллежларни битирган ёшларнинг 300 нафарини иш билан таъминлади.

— Корхонамизда кунига 5-5,5 минг дона катталар ва болалар кийимлари тайёрланыпти. Махсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда, — дейди МЧЖ раҳбари Ғ.Нормухамедов. — Пойтахтда малака ошириб қайтган дизайнерларимиз савъ-ҳаракати билан махсулотларимиз замон талабларига мос кўринишда тикилмоқда. Ишчиларнинг ишга ўз вақтида келиб-қетишлари учун етти та микроавтобус ажратилган бўлса, корхонанинг ўзида барпо этилган кўркам ошхона бир вақтнинг ўзида 200 нафар кишига хизмат кўрсатиш имконига эга.

Ш.ХўҲАЕВ.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

«Бизнесда ёки пул топасан, ёки тажриба. Сен тажрибани ол, пул эса ўзи келади».

Гаролд Женин.

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирилмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қўйида номилари келтирилган тапшиқлот, МУАССАСА МУТАСАДДИЛАРИГА ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақит бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юқсак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

### МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев, Давлат солиқ қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

Тўртинчи мулоқот 2014 йилнинг 2 майида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев жавоб қайтаради.

Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят тапаббосини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Саволлар қуйидаги

телефонлар орқали қабул қилинмоқда:  
(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.  
(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.

Электрон почта: XXI\_ASR@mail.ru

## Олтин давр

Таҳлилчилар 2014 йил ер маъданлари орасида энг кам учрайдиган нодир металл — олтиннинг баҳоси пасаядиган йил бўлиши мумкинлигини башорат қила бошладилар

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

Тўғри, кейинги ўн йилда олтин баҳоси муттасил ошиб борди. Бунинг энг йирик тилла қазувчи «Barick Gold», «Newmont Mining» ва «Anglo-Gold Ashanti» компаниялари вакиллари ҳам эътироф этишяпти. Шунингдек, жаҳон олтин бозорининг энг йирик марказлари ҳисобланган Лондон, Цюрих, Нью-Йорк, Женёва ҳамда Мельбурн шаҳарларида ҳам нархлар осмонга сагчиди. Бу жараёнда эса салкам юз йилдан бери фаолият юритиб келаётган Лондон бозори турли ҳисоб-китоблар учун таъин вазифасини ўтаганини қайд этиш лозим.

Шу ўринда қадим замонлардан бунинг инсонларни бир-бири билан «қирғиқ» бўлишига сабабчи ушбу маъдан баҳоси негиз қўтарилди, деган савол турғилини табиий. Таҳлилчиларнинг фикрича, 2008 йилда бошланган, дунё мамлакатларини ўргимчак тўридек ўраб олган молиявий-иктисодий бўҳрон натижасида АҚШ долларининг қадри сезиларли даражада пасайди. Боз устига БМТ экспертлари доллар бағамом қардсизланса, дунё иктисодиёти боши берк қўчага қириб қолиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлаб бошладилар. Бу эса юзга келган ҳолатда тинч макон излаётган йирик инвесторларнинг ташвишини ошириб юборди. Иктисодий инқироз даврида улар бекарор валюта ҳамда турли компанияларнинг қиймати тебраниб турадиган акцияларига нисбатан олтинни ишончлироқ деб билмоқдалар. Аниқроғи, улар бор маблағларини тиллага тика бошладилар. Табиийки, бу жараён унинг баҳосига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Аммо ана шундай ўзгаришларга қарамай, халқаро «Гольдман Сакс Банк» ўз ҳисобларида жорий йил охирига бориб олтиннинг бир унцияси 1050 долларгача арзонлашишини қайд этипти. Худди шундай иктисодий фаразларни АҚШнинг нуфузли «Морган Стенли» банки молия муассасаси мутаассадлари ҳам илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрича, 2014 йил — қимматбаҳо металиларнинг пасайиш йили бўлади. Яъни, йилнинг иккинчи ярмида олтиннинг баҳоси 1168 долларгача пасаяди. Жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам Лондон қимматбаҳо қозғалар, валюта ёки товар бозорининг (London Fixing) сўнги савдо кунда олтиннинг нархи 1301,50 дан 1299 долларгача тушганини қайд этмоқдалар. Айрим иктисодчилар бу кўрсаткични пасайиш эмас, балки алдамчи ҳолат, дея изоҳлашапти. Тўғри, бу — бир кунлик натижа. Аммо эртага нима бўлишини фақат вақт кўрсатиши мумкин.

Таниқли иктисодчи олимлар мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб, вазиятнинг бундай тус олиши асосан олтин казиб олини ва сотини орқали миллий иктисодиёти ҳамда бюджетини мустаҳкамлашга интилаётган мамлакатлар учун айни муддао эканлигини таъкидлаб бошладилар. Маълумот ўрнида шунини қайд этиш лозимки, бугун сайёрамизда 70 дан ортиқ давлатда қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқарилади. Улар орасида Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Ўзбекистон, АҚШ, Рос-



**Бугун сайёрамизда 70 дан ортиқ давлатда қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқарилади. Улар орасида Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Ўзбекистон, АҚШ, Россия, Австралия, Перу, Канада, Индонезия, Гана, Янги Гвинея, Мексика, Бразилия, Чили каби мамлакатлар етакчи ҳисобланишади.**

сия, Австралия, Перу, Канада, Индонезия, Гана, Янги Гвинея, Мексика, Бразилия, Чили каби мамлакатлар етакчи ҳисобланишади. Рақамларга мурожаат қилсак, биргина 2011 йили дунё бўйича 2809 тоннадан зиёд олтин казиб олинган. Маълумки, тилла баҳоси қанча қимматланса, уни қазувчи мамлакатларнинг манфаатдорлиги ҳам ошиб бораверади.

Шу ўринда мамлакатимиз олтин захираси ҳамда ресурслари бўйича дунёда тўртинчи, казиб олиш бўйича эса тўққизинчи ўринни эгаллаб турганини таъкидлаш жоиз. Ривожланган кон саноати ҳамда йирик ресурс имкониятларига эга юртимизда олтин казиб олиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон геология ва минерал ресурсларни казиб олиш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан ҳисобланади. Олтинимизнинг аслик даражаси (пробаси) ҳам олдинги ўринларда туради. 1994 йилда Навоий тоғ-металлургия комбинатида олинган олтин ёмбилар Лондон рангли металлар биржасининг сертифициратини олганлиги ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ўрни келганда Навоий тоғ-металлургия комбинатининг жаҳондаги тўлиқ олтин билан ишлайдиган корхоналардан бири экани, юртимиз иктисодий тараққиётида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда ер ости захираларини ўрганишдан тортиб, тайёрланган заргарлик буюмларини сотгунгача бўлган жараёни ўз ичига олган корхонанинг ўзганини ташкил этувчи Мурунгов, Зарафшон, Кўкпатас каби конларда энг сўнги технологиялар асосида иш олиб бори-

шадилар. Мурунговда рудаларни қайта ишлаш учун жаҳон амалиётида биринчи марта цингли пуллалардан олтинни ажратиб олишнинг цорбцияси, яъни фильтриз технологияси қўлланилмоқда.

Шунингдек, 2009 йилда Кўкпатас қонида қаттиқ сульфидли рудаларни қайта ишлаш ВАОХ қониқсининг биринчи навбати босқичма-босқич амалга оширилгани қазини умумдорлигини янада оширди. Бу эса олтин ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Эътиборга молик жиҳати, яқинда геологларимиз мамлакат худудидан яна битта маъданларга бой кон мавжудлигини аниқлашти. Экспертларнинг фикрича, Хитойнинг бундай «чекиниши» олтин нархи ошишини қуттиш билан боғлиқ. Маълумки, 2011 йили олтин рекорд даражада қимматлашган. Аниқроғи, унинг 1 унцияси (31 грамм) 1600 АҚШ долларигача қўтарилган. Бундан ташқари Европа давлатларидаги иктисодий таназзул ҳамда АҚШда кузатилаётган техник дефолт ҳам тилланинг қимматлашига таъсир ўтказаяпти. Қисқаси, кейинги ўн йил мо-

байнида олтин нархининг муттасил қўтарилиб бораётганини иктисодчилар 1920 йилдан бери энг узоқ давом этган «ўсиш даври», дея божиз таъкидламаяптилар.

Асрлар мобайнида бойлик ва куч-қудрат рамзи сифатида қадрланган олтин ҳукмронлиги яна қанча давом этишини башорат қилиш мушкул. Аммо иктисод илмининг айрим етакчилари вақти келиб тўпланган «хазина» мамлакатни мушкул ахволдан қутилишига ёрдам бера олмалиги ҳам мумкин, деган фикрни билдирмоқдалар. Масалан, бир неча йиллардан бери катта миқдордаги қарз домидан чиқиб кета олмаётган Қўшма Штатлар дунёда энг кўп тилла ғамлаган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бирок салкам 9 минг тонналик олтин бирданнига бозорга олиб чиқилса, нодир металлнинг нархи пасайиб кетиши мумкин.

Мериленд университети профессори Питер Мориси таъкидлаганидек, бюджет камомати ва қарздан қутилиш учун тиллани сотишдан кўра долларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш лозим. Унинг фикрича, олтин жаҳон бозоридан қиммат бўлишига қарамадан, унга бўлган талаб қайтадан йўқ. Аксинча, талабдорларнинг иштаси тобора очилмоқда. Яқинда Мексика Марказий банки яна 100 тонна олтин харид қилди. Қазилма бойликларни кўп бўлган мазкур мамлакат каторига яна бошқалари ҳам келиб қўшилиши эҳтимолдан холи эмас.

Хуллас, жаҳон олтин бозоридан ана шундай вазият ҳукм сурмоқда. Аммо қим қандай башорат қилмасин, олтин ҳали-бери ўз мевкенини бериб қўядиганга ўхшашмайди.

### VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

#### Қурбонлар сони ортмоқда

Жанубий Корея соҳилларида гарқ бўлган «Севол» йўловчи кемаси қурбонлари 150 кишига етди. Мамлакат ҳукумати ҳалок бўлганларнинг



оила аъзоларига жами 260 миллион вон (250 минг АҚШ доллари) миқдорда товон пули тўлашини маълум қилган. Таъкидлаш жоизки, «Севол» 16 апрель кунни Пенпхундо оролидан 20 чақирим узоқликда ҳалокатга учраган. Кема бортидаги 475 кишининг аксарияти Чеджудо оролига саёхатга отланган мактаб ўқувчилари эди. Ҳозирда кема капитани ва унинг икки ёрдамчиси ҳибсга олинган. Капитан умрбод қамоқ жағосига ҳукм қилиниши мумкин.

#### Дунёдаги энг тез лифт


Япониянинг электротехника ишлаб чиқарувчи «Hitachi Ltd» компанияси 72 км/соат тезликда ҳаракат қилиб, 95 қаватгача бўлган масофани 43 сонияда босиб ўтадиган дунёдаги энг юқори тезликка эга бўлган лифтни тақдим этди.



Компания мутахассисларининг сўзларига кўра, бундай натижага кучли двигател ва енгил троллар орқали эришилган. Янги лифтар кейинги йилдан Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида қўрилаётган 111 қаватли бинога ўрнатилади.

#### Маркес ҳаётдан кўз юмди

Колумбиялик ёзувчи, адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркес Мехикодаги уйда ҳаётдан кўз юмди. Марҳумнинг оиласи унинг саратон касалига чалинганини маълум қилган. Маҳаллий матбуот ёзувчидаги



ушбу хасталик унинг бундан 15 йил олдинги жигар саратонининг қайталашидан сўнг содир бўлганини айтишмоқда. Таъкидлаш жоизки, адиб ўзидан жуда катта маънавий мерос қолдирди. Унинг «Ёлғизликнинг 100 йили» асари биринчи марта 1967 йилда нашр қилиниб, 30 миллион нусхада чоп этилган ва 40 га яқин тилга таржима қилинган.

#### Ароқ кукунга айланди

АҚШнинг Алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари солиғи ва савдоси билан шуғулланувчи бюроси «Palcobol» бренди остида ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот — кукун ҳолдаги алкоғолни синовдан ўтказиб, унинг бир неча хилини катта ҳажмда ишлаб чиқаришга рухсат берди. «Washington Times» нашрининг хабар беришича, янги маҳсулотни истеъмол қилиш учун уни маълум миқдордаги сувда эритиб олиш керак, холос. «Palcobol» савдо белгиси остида ароқ, ром, шунингдек, бир неча турдаги алкоғолли коктейлларни ишлаб чиқаришни мақсад қилган компания ўз маҳсулотини шу йилнинг иккинчи ярмида сотувга чиқаришни режалаштирган. Ишлаб чиқарувчиларнинг маълум қилишларича, кукунни таомларга зирavor каби қўшиб истеъмол қилиш ҳам мумкин экан. Бу ҳолда алкоғолга «тўйинган» овқатдан спиртнинг ҳиди келмайди.

#### БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Бадавлат одамларнинг энг катта сири шундан иборатки, улар бойлик нима билан ўлчанишини билишади. Бойлик пул билан эмас, вақт билан ўлчанади».**

Роберт Киосаки.

### ЭЪЛОН

#### УВАЖАЕМЫЕ РУКОВОДИТЕЛИ СТРОИТЕЛЬНО-ПОДРЯДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ!

ООО «Постоянно действующая строительная ярмарка DIMAX» просит предоставить коммерческое предложение по укладке линолеума (полукоммерческий, пр-во Корея) толщиной 2 мм, общей площадью 300 кв.метров в соответствии со следующими требованиями:

Цена за кв.м.  
Общая сумма поставки товара:  
Условия оплаты:  
Условия поставки:  
Руководство «ПДМСЯ DIMAX».

Услуги лицензированы

**XASR**  
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

**2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда!**

Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80, e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

# Ўғлонларимиз совриндорлар қаторида

Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида иштирок этаётган ўн нафар боксчимизнинг тўрт нафари совриндорлар қаторидан ўрин олди

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**  
«XXI asr»

Хусусан, рингга 49 кг. вазн тоифасида кўтарилган Сулаймон Латипов ярим финалда озарбайжонлик Руфат Хуссейновни мағлуб этиб, олтин медаль учун курашиш имкониятини қўлга киритган бўлса, Бектемир Меликўзиев (69 кг.) финал арасидаги жангга доминиканлик Жуан Соланони техник нокаутга учратиб, камид кумуш медални нақд қилди.

Энди бугун (24 апрель) бўлиб ўтadиган финал бахсларида С.Латипов козони-стонлик Шалкар Айхинбай билан беллашса, Б.Меликўзиев хорватиялик Лука Пртењяса билан жаҳон чемпионлиги учун курашади.

Яна икки нафар боксчимиз — Козимбек Мардо-



нов (75 кг.) ва Иқболжон Холдоров (60 кг.) мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: мазкур чемпионат жорий

йилнинг август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтadиган II Олимпия ўйинларининг саралаш боксичи вазифасини ҳам ўтаб

берди. Мухими, терма жамоамиз аъзолари ярим финалга чиққан холда ана шу йўлланмаларнинг учтасини қўлга киритдилар.

## Ўртоқлик учрашувлари кимнинг ким эканини кўрсатади

2015 йилнинг январида Австралида бўлиб ўтadиган Осиё чемпионатида жиддий тайёргарлик кўраётган футболчиларимиз жорий йилнинг май-октябрь ойларида олтига ўртоқлик учрашуви ўтказадиган бўлдилар.

Ўзбекистон Футбол федерацияси хабарларига кўра, аввал 27 ва 29 май кунлари Уммон терма жамоаси билан (ҳар икки учрашув ҳам Тошкентда бўлиб ўтади) беллашадиган ҳамюртларимиз 20 август кунин Озарбайжон терма жамоаси билан куч сиништириш учун Бокуга йўл оладилар.

3 сентябрь кунин Миржалол Қосимов шогирдлари яна бир араб давлати — Иордания терма жамоасини Тошкентда қабул қилади. Шундан кейин вакилларимиз хоржида ташкил этиладиган йигинлар доирасида учта учрашув ўтказадилар. Хусусан, 6 октябрь кунин Дохада Қатар терма жамоасига қарши майдонга тушадиган футболчиларимиз 10 ва 14 октябрь кунлари Бахрайн ва БАА терма жамоалари билан куч синишадилар. Ҳар икки учрашувни Дубай амирлигида ўтказиш режалаштирилган.

## «SIA Uzbekistantradinghouse» орқали Европага

Латвия пойтахти — Ригада «SIA Uzbekistantradinghouse» савдо уйи ўз фаолиятини бошлади. Podrobno.uz, сайтнинг хабар беришича, савдо уйини ташкил этиш гоёси давлатимиз раҳбарининг 2013 йил октябрида ана шу мамлакатга уюштирган ташрифлари чоғида илгари сурилган бўлиб, «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташки савдо компанияси томонидан амалга оширилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «SIA Uzbekistantradinghouse» ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг Болтиқбўйи мамлакатлари бозорига кириш имкониятини яратибгина қолмай, Ўзбекистон маҳсулотларини Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилишда ҳам савдо пости вазифасини бажариши мумкин. Зеро, савдо уйи товарларни божхона орқали расмийлаштириганидан кейин уларни нафақат Латвия, Литва ва Эстония, балки Скандинавия мамлакатлари — Финляндия, Норвегия, Швеция ва Дания, шунингдек, Фарбий Европага — Германия, Голландия, Чехия ва Польшага ҳам сотиш имконига эга бўлади.

Маълумотларга кўра, «SIA Uzbekistantradinghouse» биринчи навбатда ҳўл ва қуруқ мевалар, бундан ташқари, тўқимачилик ва бошқа халқ истеъмولى товарлари экспорти билан шуғулланади. Шу ўринда савдо уйи қисқа вақт ичида 35 миң долларлик қуруқ мевани Болтиқбўйи мамлакатларига экспорт қилишга муваффақ бўлганини айтиш лозим.

## Сурхон воҳаси шерларга ёқди



Кейинги йилларда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам ўзига хос мавқега эга бўлган Термиз ҳайвонот боғида жониворлардан насл олиш борасидаги изланишлар яхши самара бермоқда. Жумладан, 2012 йилда ҳайвонот боғининг махсус бўлинмаларида иккита айиқ ва йўлбарс туғилган бўлса, ўтган йил боғида муассаса мутахассислари Линда лақабли 9 яшар она шердан бирйўла тўртта насл олишга муваффақ бўлдилар. 2013 йилнинг кеч кузида эса Малика лақабли она шер иккита шеравачани дунёга келтирди. Натижада шерлар сони 13 тага етди. — Уларнинг барчаси Симба лақабли ота шер зурриёдларидир. — дейди боғ директори Баҳодир Тошбоев. — Маълумки, ҳайвонлар шохи одатда биттадан насл қолдиради. Шерларнинг иккита ёки тўртта болалаша табиятда жуда кам учрайдиган ҳолатдир. Бундан боғимиз муҳити ҳайвонларга маъқул бўлди, деган фикрга келиш мумкин.

Б.Тошбоевнинг таъкидлашича, йил давомида боғни мукамал таъмирдан чиқариш, шунингдек, ушбу маскани бир неча эшикли янги қафаслар, жониворлар соғлигини кузатиб бориш ҳамда лозим бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи лаборатория жиҳозлари ва бошқа махсус ускуналар олиб келинади. Айни пайтда 16 гектар ҳудудни эгаллаган боғда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

## «GM Uzbekistan» 53 мингга яқин «тулпор» чиқарди

2014 йилнинг I чорагида «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида 52 миң 782 дона автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 фоизга кўпдир.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида корхона конвейерларидан 14 318 дона «Cobalt» (1,52 марта кўп), 11 миң 613 дона «Nexia» (9,6 фоизга кам), 11 17 дона «Gentra» (2013 йил сентябридан ишлаб чиқарилмоқда), 6 496 дона «Sprigo» (5,7 фоизга кўп), 3 369 дона «Damas» (25 фоизга кам), 2 830 дона «Matiz» (1,58 марта кам), 1 778 дона «Captiva» (1,4 марта кўп), 1 048 дона «Malibu» (2,2 марта кўп), 273 дона «Lacetti» (18 марта кам), 40 дона «Orlando» (ишлаб чиқариш 2014 йил мартдан бошланган) русумидаги автомобиллар сотувга чиқарилган. Шу ўринда 2013 йили 246 миң 31 дона замонавий автомобиль ишлаб чиқарган «GM Uzbekistan» бу борадаги кўрсаткичларни 2012 йилга нисбатан 4,5 фоизга оширганини айтиш лозим.



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Навбахор» маҳалласида истиқомат қилаётган Адҳам ака Илҳомов хонадониде ўзаро меҳр-оқибат, халқимизга хос улўф фазилатлар доимо қадрлаб келинган. Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетини тугатган Адҳам ака йигирма йил давомида Қибрай яхна ичимликлар корхонасида ҳалол хизмат қилди, ўзининг ширинсўзлиги, касбига садоқати билан жамоа ўртасида катта ҳурмат қозонди, ўнлаб шогирдлар етиштирди. Кейинчалик Оҳангарон цемент заводига қарашли яхна ичимликлар корхонасига раҳбарлик қилди.

Мана, салкам ўн йилдирки, жамоат ишларида ҳам жонқуярлигини намоён этмоқда. «Навбахор» маҳалласида дастлаб қотиб, сўнгра раис сифатида хизмат қилди. Тошкент политехника институтини тугатган турмуш ўртоғи Клара опа ҳам узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Электроника институтида илмий ходим бўлиб ишлади, кейин ўрта мактабларда ёшларга сабоқ берди. Улар биргаликда 3 ўғил, 1 қизни эл қорига ярайдиган фарзандлар қилиб тарбиялашди. Яқинда Умра сафарини адо этиб қайтган отахон ва онахон 8 нафар наваре ардоғида бахтли ҳаёт гашини суришмоқда.

Мана, баҳорнинг иккинчи ойи ҳам ниҳоясига етмоқда. Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, ҳафта давомида вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат ўртача 25-30 даража атрофида бўлиб, момақалдироқ пайтда бироз пасайиши кузатилади. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Республикаимизнинг энг иссиқ ҳудудлари ҳисобланган Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 12-17 даража илик, кундузлари +32-35 даража бўлиши кутуляпти. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллирати тунда +9-14, кундузи 23-28 даража илиқ бўлишини кўрсатяпти. Тоғли жойларда ҳарорат ўзгарувчан бўлиб, кечаси +5-10 даражадан 0-5 даража илиққача, кундузлари эса +13-18 даражадан 8-13 даражагача пасайиши мумкин.



## РЕКЛАМА

### «ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

### «ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАЛИТИ

2014 йил 20-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг

10 дона Chevrolet Captiva  
10 дона Chevrolet Cobalt  
5 дона Tractor  
5 дона Tractor  
625 дона Washing Machine  
700 дона TV  
1025 дона PANDA FOTON TV  
625 дона Refrigerator  
1 115 785 та пул ютуқлари

### ЖАМИ 1 118 000 та ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛАРИ МАВЖУД

#### ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНING НАРХИ - 5000 СЎМ

Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларида сотиб олишингиз мумкин. Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Корақалпоғистон Республикаси	8-361-222-16-77	Кашқадарё вилоти	8-375-771-15-60	Сурхондарё вилоти	8-376-770-81-48
Андижон вилоти	8-374-228-46-20	Наманган вилоти	8-369-223-19-32	Сирдарё вилоти	8-367-221-01-50
Бухоро вилоти	8-365-223-85-53	Навоий вилоти	8-436-770-35-49	Фарғона вилоти	8-373-244-08-41
Жиззах вилоти	8-372-226-25-33	Самарқанд вилоти	8-366-210-02-46	Хоразм вилоти	8-362-770-57-00

Кўшимча маълумот олиш учун тел рақами: 8-371-273-03-04  
www.agrobank.uz

## 3AZ FORZA

Автомобили для жизни!

**Автосалон в Ташкенте**  
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99  
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)

**ЗАЗ**  
www.sardor-avto.uz  
Товар сертифицирован.

## XXI ASR

ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАХРИРИЯТ:** Темур АБДУРАХМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХЎЖАЕВ, Марк ЮСУПОВ.  
**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва тахлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot21asr@yahoo.com, xxi\_asr@mail.ru  
©XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нўқтан назаридан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
**БОШ МУХАССИС:** Миродил АБДУРАХМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақамини билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Буортма рақам: J 9740 Тираж: 17327  
Баҳоси келишилган нархда.  
Тошхират — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X  
9 772181 497009

Навбатчилов: О.РАЖАБОВ, Ш.РАҲИМОВ.